

---

## Кексалар ҳолидан хабар олинди

Бағдод туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мактубахон Аҳмедова ҳамда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи Барчиной Аҳмадалиева мактабнинг фаол ўқувчилари билан биргаликда “Саховат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи бир гуруҳ нурунийлар ҳолидан хабар олдилар.

Кексалар ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур йўқлов 100 ёш билан бўйлашаётган Абдували ота ва Чўлпоной момонинг қаддини осмон қадар юксалтирди. Турли соҳаларда узоқ йиллар меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган, фарзандлари ва набиралари ардоғида бўлган нурунийлар кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромдан мамнун бўлишди.

Ташриф давомида улар босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида самимий суҳбатлашилди, бугунги тинч ва осуда замонага шукроналар айтилди, юрт тинчлигини тилаб эзгу дуолар қилинди.

Нурунийларга мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-10-06 17:19:34